

Андижон шаҳри

Андижон вилояти «Андижон Дори-Дармон» акциядорлик жамияти бошқарув раёси Ахмаджанов

А.И кейинчалик матнда «Таъминотчи» деб юритилади. Шундан асосида харажат килувчи бир томондан

Валиқул мумин Таъминотчи Ўзбекистон РеспубликасиБотқоқлик М. Эрматов
кейинчалик матнда «Харидор» деб юритилади, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:**1 Шартнома моҳияти**

1.1. «Таъминотчи» «Харидор»нинг талабномаси билан ҳаётий зарур дори-дармонлар, тиббий ашёлар ва стерилланган дориларни узининг тизимдаги «8-сонли дорихона» орқали икки томонлама келишилган 1-илова (спецификация) асосида товарларни сотади. Шартномага асосан олинган товарнинг номи, микдори, нархи ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган ушбу 1-иловада курсатилади. «Харидор» эса олган маҳсулотлари учун туловни «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда утказиб беришни уз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг суммаси 534489.70 (беш юз ўттиз кўрт миң кўрт юз саксон белгиланди (суммага транспорт харажатлари кирмайди) шундан асосида 70 таъминотчи)

2. Маҳсулотнинг сифати

2.1. «Таъминотчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка, ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлган дори-дармонлар ва тиббий маҳсулотларни сотади

3. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Ҳисоб –китоб «Харидор»га томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Газначилик булимидан руйхатдан утиб 5 банк иш кунда «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% (фоизи) яъни 160346.91 (бир юз олти миңлик 42 юз қирқ олти сўм 91 таъминотчи) сумми

олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

3.3. Қолган охириги 70% (фоизи) 374142.79 (374 юз еллик кўрт миңлик 79 таъминотчи) суммини «Таъминотчи» томонидан

етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида 60 банк иш кунда утказиб беради.

3.4 «Харидор» томонидан 30% (фоизи) олдиндан тулов амалга оширилгандан сўнг талабнома асосида «Таъминотчи» 3 банк иш кунни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, маҳсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

3.5. Маҳсулотларни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» ҳисобидан қопланади.

4. Жўнатиш ва қабул қилиш шартлари

4.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш «Таъминотчи» томонидан амалга оширилади, етказиб бериш санаси булиб, товарнинг «Таъминотчи» омиборидан юбориш санаси ҳисобланади, товарни қабул қилишда «Харидор» томонидан уни микдори, сифати ва руйхати ҳисоб-фактура асосида амалга оширилади.

4.2. Гиёҳванд, захарли ва психотроп дори-дармонларни «Харидор» томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус рухсатномаларни тақдим қилиниб, сўнг «Таъминотчи»нинг омиборхонасидан олиб кетади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирилиши ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

5.2. «Таъминотчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «Товар (маҳсулот)ни қабул қилишда асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

-агар «Товар (маҳсулот)ни етказиб бериш жараёнида «Таъминотчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекнишига йул қуйган бўлса «Харидор»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдур.

5.3 «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

-камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар тугриланиш харажатларини қоплашини талаб қилишга:

--мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашини «Таъминотчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

6.1. Шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар.

6.2. «Таъминотчи» жавобгарлиги:

6.2.1. «Таъминотчи»нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса, «Таъминотчи» томонидан кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фўиз микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фўизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни қўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.2.2. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувиди ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

6.3. "Харидор"нинг жавобгарлиги:

6.3.1. "Харидор"нинг айби билан етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаса, "Харидор" томонидан кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафини товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.4. Шартноманинг 2-бандига асосан "Таъминотчи" томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда "Таъминотчи" сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5. "Таъминотчи" нинг ҳисоб – варақасида махсулот солинган қутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 15 кун ичида қайтариллиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс -мажор ҳолатларида қисман ёки тўлиқ озод этилади: ёнгин, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

7. Низоларни ҳал этиш.

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади. Низолар пайдо бўлганда томонлар ўз-ўзаро равишда оғохлантириш хати берадилар. Оғохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун.

7.1. Ҳал этилмаган низолар Хўжалик судида кўриб чиқиладди. Хўжалик судини қарори ҳал этувчи ҳужжат ҳисобланади.

8. Форс-мажор.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу қабл бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбуруйдир.

9. Шартнома муддати

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли ҳудудий газначилик булимида руйхатга олингандан сунг, 31-декабр 2022 йилгача амал қилади.

10. Умумий ҳолатлар:

10.1. "Харидор" "Таъминотчи"га ҳар ойнинг 5 санасигача шу ойда зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий ашёларнинг буюртма руйхатини тақдим этади. Бунда товарнинг номи, миқдори курсатилиши шарт. "Харидор" га "Таъминотчи" томонидан прайс листлар тақдим этилади. прайс листга асосан «Харидор» нархларга алоҳида эътибор берган ҳолда, танлов варақасига асосланиб 1 ойлик эҳтиёж учун зарур бўлган дори –дармонларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартiriш ва қўшимчалар фақат ўз-ўз-ўз тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан тегишли газначилик булимида руйхатга олингандан сунг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

10.3. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни асосида ҳал этилади.

Томонларнинг манзилноҳи ва бандаги ҳисоб рақамлари:

"ТАЪМИНОТЧИ"

«Андижон Дори-Дармон» АЖ

711000, Андижон ш,
Оғохий куча №1-уй
х/р 20210000800177073001
Миллий Банк Андижон вилоят
Булими МФО 00074
ИНН 200218892
ОКОНХ 71212
Тел/факс: 0 374 2907533

А.Н. Мухр ўрни)

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фундаментал Кодексининг ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномаси»-ҳуқуқий базаси туғрисида» ги қонун талабларига мувофиқ равишда тўлиқ имзолаш мумкин.

«Андижон Дори-Дармон» АЖ
Хуқуқшунос

"ХАРИДОР"

Балеузга Б.Т.Б.

Манзил: Балеузга мусулмо
Тел/Факс _____
ш/х 100022860032067072110054001
СТИР 206345199 ОКНХ 9PS11

Газначилик булимида номини
Тел/х/р 12402000300100001010

Банк номи: Мар. Банк. Толе. ХККМ.
МФО: _____ газначилик
Булимида СТИР 20122319
Наҳбар: _____ М. Эргашева
(имзо, муҳр ўрни)

Хулоса:


Юсупов С

Баликчи тумани Тиббиёт бирлашмаси билан Андижон Дори-Дармон урталарида ^{es} январь
2022 йил куни узаро тузилган № 29 шартномага 1-илова

№	Махсулот номи	улч. бир.	Ойлар	жами	нархи	сотув суммаси	НДС		Ет. бериш ККС б-н
							%	сумма	
1	Тримеперидин (промедол) 2% 1мл	амп		20	7827,71	156554,20	0%	0,00	156554,20
2	Омнопон 2% 1мл	амп		20	8480,36	169607,20	0%	0,00	169607,20
3	Фентанил 0,5% 2мл	амп		20	3254,56	65091,20	0%	0,00	65091,20
4	Морфин 1% 1мл	амп		30	4774,57	143237,10	0%	0,00	143237,10
Ж А М И:						534489,70		0,00	534489,70

Товар (Махсулот) етказиб берувчи

Андижон Дори-Дармон Х.Жнинг " 8 - сонли" дорихонаси
х/р: 20210000800177073001
Андижон Миллий банк МФО: 00074
ИНН: 200218892 ОКОНХ: 71212
Рахбар: <i>SA</i> Д. Ортиков



Бюджет ташкилоти

Баликчи туман Тиббиёт бирлашмаси
XIP: <i>600228600320670721005900</i>
Молия вазирлиги ягона газна ҳисоб вар.
ОКОНХ: 91511 ИНН: 206945199
Газна х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент ш.ХККМ
МФО: 00014 С/т: 201122919
Рахбар: <i>Me</i> М. Эргашева



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№ SO74267818**

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Oldi-sotdi shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Baliqchi tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 27.01.2022

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 27-yanvar kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan dori-darmon yetkazib berish to'g'risidagi oldi-sotdi shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi "O'zbekiston respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 3953-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 18-bandiga asosan *O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan holda tasdiqlanadigan ro'yxat bo'yicha dori vositalari va tibbiyotda qo'llaniladigan buyumlar to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinishi* belgilangan.

Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan dori-darmon yetkazib berish to'g'risidagi oldi-sotdi shartnomasida O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan Moliya vazirligi bilan kelishgan holda tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi 3953-son qaroriga asosan davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan dori vositalari va tibbiyotda qo'llaniladigan buyumlar ro'yxatida keltirilgan dori vositalari va tibbiyotda qo'llaniladigan buyumlar nazarda tutilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan dori-darmon yetkazib berish to'g'risidagi oldi-sotdi shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqorolik Kodeksining 29-bobida ko'rsatilgan oldi-sotdi faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi hamda 29-bob 3-paragraf mahsulot yetkazib berish talablariga, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan Moliya vazirligi bilan kelishgan holda tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi 3953-son qaroriga asosan davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan va O'zbekiston Respublikasida farmakologik ro'yhatdan o'tgan, tibbiyotga ishlatishga ruhsat etilgan sifat, markirovka, o'ramlar farmatsevtik va texnik talablariga javob beradigan hamda sifat sertifikatini yoki tahlil bayoniga ega bo'lgan dori-darmonlar va tibbiy mahsulotlarni yetkazib berishga asoslanganligi inobatga olinsin.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

27.01.2022

**Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi boshlig'i:**



J.Nazarov